



DaF - Unterricht im digitalen Zeitalter

Internationale Digitalkonferenz

27-28. November

Taschkent 2020



УДК: 43(07)
P – 32
ББК: 81.2 Нем.

DAF-UNTERRICHT IM DIGITALEN ZEITALTER

Beiträge und Referate der internationalen wissenschaftlich-praxisorientierten
Digitalkonferenz

Халқаро илмий-амалий онлайн конференция материаллари тўплами
Сборник материалов международной научно-практической онлайн-конференции

Die Redaktion übernimmt keine Haftung für die Qualität, Richtigkeit, Vollständigkeit und Aktualität der Beiträge. Die liegen im Verantwortungsbereich der jeweiligen Autoren und spiegeln nicht die Meinung der Redaktion wider.

Анжуман тўпламига тақдим этилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар шахсан жавобгардир. Таҳририят фикри мақолалар муаллифларининг қарашлари билан мос келмаслиги мумкин.

За содержание и достоверность статей ответственность несут авторы. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей.



Бу техник воситалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг чет тилини ўрганишлари жараёнини қизиқарлироқ ва самаралироқ бўлишини таъминлайди. Чет тили дарсларининг ўқитилишида турли ролли, ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш ҳам дарсга, ҳам тил ўрганишга бўлган қизиқишни ортишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, чет тилини ўрганиш жуда муҳим. Чунки ўқувчиларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда чет тилининг аҳамияти катта. Машҳур немис олими Й.В.Гёте айтганидек: “Ким чет тилларини билмаса, у ўз тилини ҳам билмайди”. Шу сабабдан нафақат чет тили мутахассислари, балки тилга ихтисослашмаган умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган барча бўлажак кадрлар чет тилларини ўрганиб, уларда эркин фикр алмаша олиш ғоят муҳим вазифалардан саналади. Халқимизда ҳам бир мақол бор: “Тил билган эл билади”. Ҳақиқатдан ҳам, хорижий тилни билган киши кўп томонлама имконият ва устунликларга эга бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1) С.Мадаминов. Чет тилларни ўқитишда инновацион методларнинг ўрни ва уларнинг услубий таҳлили.
- 2) М.Р.Отабоева. Чет тилини ўқитишда замонавий инновацион технологияларидан фойдаланиш ва унинг самарадорлиги.
- 3) <https://moluch.ru> сайти

РЎЗИЕВ ЯРАШ БОЗОРОВИЧ

Бухоро давлат университети

Немис ва француз тиллари кафедраси, PhD

НЕМИС ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА SMART ТЕХНОЛОГИЯСИДАН Фойдаланиш ҳақида

Таянч сўзлар: педагогик технология, ақлли таълим, онлайн манба, веб-ресурс.

Ключевые слова: педагогическая технология, SMART-обучение, онлайн источник, веб-ресурс.

Schlüsselwörter: pädagogische Technologie, Smart Bildung, Online Quelle, Web-Ressource

Аннотация: Мақолада “Педагогик технология” ва “Ақлли таълим” тушунчаларига таъриф берилади, улар юқори даражада таълим бериш, шиддат билан ўзгарувчан, беқарор муҳит шароитида ёшларга мослашиш имконини беради.

Аннотация: В статье дается определение понятиям «Педагогическая технология» и «SMART-образование», которые способны обеспечить высокий уровень обучения, позволят молодым людям приспособиваться в условиях быстроменяющейся, неустойчивой среды.

Abstract: Der Artikel beschäftigt sich mit der Definition der Konzepte „Pädagogische Technologie“ und „Smart Bildung“, die ein besseres Bildungsniveau bieten können und sie ermöglichen jungen Menschen, sich in einem sich schnell verändernden, instabilen Umfeld anzupassen.



Чет тилини ўрганишдан асосий мақсад - бу чет тилини амалий қўллашни ўрганиш, бошланғич билимларни эгаллаб, хорижий тил эгалари билан бевосита мулоқотни амалга ошириш қобилиятини шакллантиришдан иборат. Талабалар орасида чет тилини ўрганишга бўлган қизиқишнинг барқарор эмаслиги, мутахассисларни янги педагогик технологиялар устида ўзлуксиз изланишларига ундамоқда. Педагогик технология - бу педагогик билимлар соҳаси бўлиб, педагогик фаолиятнинг чуқур жараёнлари, улардаги ўзаро таъсирнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган, ҳамда ўқув жараёнини бошқаришда зарурий самарадорликни таъминлайдиган билимлар мажмуидир [1]. Хорижий тилларни ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқув жараёнига ижобий таъсир кўрсатади, анъанавий ўқитиш усулларини тўлдиришга ёрдам беради, чет тилида мулоқот қилишнинг зарур кўникмаларини шакллантириш, чет тилида ўз фикрини ифодалаш имкониятидан бошлаб коммуникатив муаммоларни мустақил ҳал қилишга бўлган масалаларни ечишга ҳисса қўшади, шунингдек талабаларнинг билим олишга бўлган иштиёқи, қизиқишини оширади, ўрганилаётган мавзуларга янгича ёндашиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал имкониятларини, истеъдодларини очиб бериш имконини яратади.

Ҳозирги вақтда чет тилини ўқитиш жараёнида "SMART", "SMART - таълим", "SMART - технология" тушунчалари кенг қўлланмоқда. SMART - технологиясида билимларнинг асосий манбаи – электрон шаклдаги таълимга оид интернет ресурслар бўлса, ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги фикр-мулоҳазалар ва билим алмашинуви технологик жараёнлар тизимини акс этади. Таълим соҳасидаги “SMART-технология” тушунчаси “ақлли таълим” тушунчаси билан ҳамоҳанг бўлиб, бу барча таълим жараёнларини ҳамда ушбу жараёнларда қўлланиладиган усул ва технологияларни ҳар томонлама модернизациялашни ўз ичига олади [2]. SMART таълими тил ўрганувчилар эҳтиёжига мос бугунги глобал дунё муаммолари ва имкониятларига жавоб берадиган юқори даражадаги таълим беришга қодир, тез ўзгарувчан, беқарор муҳит шароитида ёшларга мослашишга имкон беради. Аналитик қидирув тизими асосида ўқув материалларининг ягона умумий омборидан фойдаланган ҳолда китобдан бир зумда фаол ўқув материаллар базасига ўтишни таъминлайди.

Айни пайтда чет тилларни мустақил ўрганишга бағишланган сайтлар жуда кўп. Бундай сайтларда чет тили ўқитувчиларининг тайёр дарслари, машқлар, аудио ёзувлар, талаба учун ҳатто мураккаб грамматик қоидаларнинг изоҳини топишингиз мумкин, масалан "Die deutsche Welle" сайти [3]. Сайт турли тил даражаларига мос овозли матнлар, видеофилмларнинг кенг танловини тақдим этади. Ушбу сайтдан ўрта умумтаълим мактаби ва ОТМ ўқитувчилари немис тили дарсларида бирдек фойдаланишлари мумкин. Сайтнинг афзаллиги шундаки, у техник жиҳатдан фойдаланиш оддий ва ишлатиш учун қулай, шунинг учун у айни пайтда тил ўрганиш учун энг яхши платформалардан биридир. Тингловчини қизиқтириш учун сайтда ток-шоу, муסיқий видеоклиплар, ақлни чархлайдиган ўйинлар, юмористик видеолар, янгиликлар, қизиқарли суҳбатлар ва бошқалардан фойдаланиш мумкин. Ушбу сайтда мавжуд бўлган машқлар ёрдамида сиз немис тили грамматикаси ва сўз бойлиги бўйича билимингизни синаб кўришингиз, заиф томонларингизни аниқлашингиз мумкин. Мен "Die deutsche Welle" сайтидан аудио матнлар билан ишлашга мисол келтирмақчиман, биз немис тилида турли хил вазифаларни бажариш учун тез-тез кириб тураемиз. Кўпгина матнларни ёзиб олиш атиги 2 дақиқа давом этади ва бу тингловчининг шу вақт ичида чарчамаслигига, унинг диққати бўлинмаслиги ва қизиқиши йўқолмаслигига ёрдам беради.



Ушбу сайтда берилган мавзулардан бири "Viele Köche verderben den Brei" деб номланган. Бу немис халқ мақоли бўлиб, ўзбек тилига "Қассоб кўпайса мол ҳаром ўлади" дея таржима қилинади. Аудиоёзув бошида муаллиф мақолнинг маъносини бир нечта жумлаларда тасвирлаб беради. Масалан, у шундай дейди: "Alleine arbeitet man manchmal am besten. Denn wenn viele Menschen mit unterschiedlichen Meinungen und Methoden zusammen etwas machen wollen, kann das zu Schwierigkeiten führen." Даствлаб, иш индивидуал равишда амалга оширилади. Ҳамма мустақил тинглайди. Тажриба шуни кўрсатадики, жамоавий тинглаш билан турли хил қийинчиликлар пайдо бўлади. Кейин муаллиф воқеани бошлайди. Тинглаётганда талабалар ўзларига асосий тушунчаларни ёзиб оладилар. Аудиоёзувни 2-3 марта тинглашга рухсат берилади. Биринчи тинглашда талабалар маърузачи нутқининг тезлигига, унинг интонациясига эътибор бериш, матннинг умумий маъносини тушунишга ҳаракат қилиш керак. Иккинчи тинглашда улар қуйидагиларни ёзадилар: "Ким? Қаерда? Қачон? Нима қилди?". Агар матн қийин ёки нотикнинг нутқи жуда тез бўлса, унда уни уч марта тинглаш тавсия этилади. Шундан сўнг, ўқитувчи ўқувчиларнинг матнни қанчалик яхши тушунганлигини билиш учун "richtig oder falsch" каби саволларни беради. Кейинги ишлар жуфтликда амалга оширилади. Ўқувчилар суҳбатдошига матнни айтиб беришлари, мазмуни бўйича савол-жавоб қилишлари керак.

Шундай қилиб, жуфтликда ишлаш қобилияти шаклланади, бу диалогик нутқнинг ривожланишига ёрдам беради. Аммо бу сайтда 11 дан 19 минутгача бўлган узун аудио ёзувлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни машғулотдан ташқари, масалан уйда тинглаш афзалроқ. Синф/аудиториядан ташқарида ишлаш мустақил ишлаш кўникмасини шакллантиради. Масалан, "Studieren an der Universität" мавзусида матн 11 дақиқа давом этади ва ушбу аудио матнда маърузачи нутқи жуда тез. Аммо мавзу мактаб ўқувчилари ва талабалар учун жуда фойдали ва амалий аҳамиятга эга, чунки диктор ўқиш бўйича тавсиялар беради, масалан: "Имтиҳонларга қандай тайёргарлик кўриш керак?", "Электрон кутубхонадан қандай фойдаланиш керак?", "Ўқув материални қаердан излаш керак?" ва ҳ.к. Талабалар одатда бу ишни уйда бажарганлиги сабабли, улар матндан керакли маълумотларни тушунмагунча уни кўп марта тинглашлари мумкин. Одатда тинглаб тушунишни текшириш учун ҳар бир тингловчига индивидуал топшириқ берилади. Вазифалар қуйидагича бўлиши мумкин: алоҳида саволларни тайёрлаш, аудиоматндан тўғри ва нотўғри фикрларни топиш, аудиоматнни хатолар билан ёки бўшлиқлар билан чоп этиш, шунда талаба аудиоматнни диққат билан тинглашга ва муҳим жойларини ўтказиб юбормаслик учун ёзишга ҳаракат қилади. Die deutsche Welle билан ишлашнинг афзаллиги шундаки, ўқитувчи аудиоматнларни осондан мураккабга алмаштириши мумкин. Масалан, ҳафта давомида улар 1-2 дақиқа давом этадиган осон ва жуда қисқа матнларни тинглашади ва дам олиш кунидан олдин талаба узун материалларни тинглаш ва ўқитувчи билан ҳафта охирида муҳокама қилиш учун энг муҳим фикрларни ёзиш учун етарли вақт бўлиши учун ўрта даража(мураккаблик)даги аудиоёзувни беради. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда таълим жараёнини инновацион педагогик технологияларни қўллагандан тасаввур қилишнинг иложи йўқ. Ушбу турдаги технология замонавий таълим тизимидан мустақкам ўрин олган. Бугунги кунда чет тили ўқитувчиси жуда кўп имкониятларга эга, бу уларнинг дарсларини қизиқарли ва мақсадли тарзда ўтказишга ёрдам беради. Ушбу имкониятлар талабаларнинг фаоллигини оширишга ёрдам беради.

SMART технологияси талабаларнинг мустақил ишлашини кучайтириш, шахсий ривожланиш ва ташаббускорликни қўллаб-қувватлашдир. Бундай тажриба талабага мустақил ўрганиш мотивациясини оширишга имкон беради, ўрганишга бўлган қизиқишини сезиларли даражада оширади, шунингдек анъанавий усул билан



Butayev Shavkat KO'NIKMA VA MALAKALARNI SHAKLLANTIRUVCHI O'QITISH MASHQLARI – KOMMUNIKATIV LEKSIKANI O'RGATISHNING ASOSI.....	61
Есбергенова Г.Б. HEMIS TILI DARSIDA UQUVCHILARNING AQLIY VA HUTQIY QOBILIYATINI RIVOJLANITIRISHDAGI ONA TILINING TA'SIRI.....	64
Жаббарова Малохат Хамдамовна TALIM JARAENIDA INNOVACION METODLARDAN FOYDALANISHDA UQITUVCHINING ROLI HAMDA TALIM SIFATI.....	68
Жумаев Эркин Болтаевич HEMIS TILI DARSLARIDA BADIY MATNNI TAHLIL QILISH USULLARI.....	73
Зияева С.А. K PROBLEME RAZABOTKI SISTEMY ZADANIY PO SOVERSHENSTVOVANIJU SOCIOLINGVISTICHESKOY KOMPETENЦИИ U STUDENTOV-FILOLOGOV V EPOXU CIFROVYX TEXNOLOGIY.....	75
Ibadullayeva Surayyo SHET TILLARINI O'QITISHDA TIL KOMPETENSIYALARINI TENG QO'LLASHNING SAMARADORLIGI.....	78
Irgasheva Feruza Baxtiyorovna CLIL TEXNOLOGIYASINING KELIB CHIQISHI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI.....	80
Karimova Nodiraxon FÖRDERUNG VON FACHSPRACHEKOMPETENZ IM FREMDSPRACHENUNTERRICHT...	82
Махмудова М.М. Каримова М.А. MAKTABGACHA TALIM MUASSASALARIDA BOLALARNI HAR TOMONLAMA RIVOJLANITIRISH DASTURINING ASOSIY VAZIFA VA IYNALISHLARI.....	85
Назаров Пўлат Жўрамурадovich ZAMONAVIY TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA HEMIS TILINI UQITISHDA ARIFMETIK AMALLARDAN FOYDALANISH.....	87
Рахманова Зубайда Рахимбергановна RAQMLASHITIRISH DAVRIDA HEMIS TILINI UQITISHDA METODIK TAVSIYALAR.....	91
Рўзиев Яраш Бозорович HEMIS TILINI UQITISHDA SMART TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH XAQIDA.....	93
Tadjibaeva D.A. DIE DEUTSCHE DIGITALE KINDERUNIVERSITÄT: DEUTSCH UND MINT-FÄCHER.....	96
O'tanova Shahnoza Mahmudovna NEMIS TILI DARSLARIDA ZAMONAVIY TA'LIM TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH.....	99



REPUBLIKANISCHES WISSENSCHAFTLICH PRAKTISCHES INNOVATIONSZENTRUM bei der UsWSU

Die Tätigkeit des Innovationszentrums zielt darauf ab, das System des Fremdsprachenunterrichts für die jüngere Generation radikal zu verbessern und Fachkräfte fort- und weiterzubilden, indem innovative Lehrmethoden eingeführt werden. Dafür werden moderne pädagogische und Informations- und Kommunikationstechnologien eingesetzt sowie Bedingungen und Möglichkeiten für einen breiten Zugang zu den Errungenschaften der Weltzivilisation und der Weltinformationsressourcen geschaffen. Die Verbesserung der staatlichen Bildungsstandards und Lehrpläne für Fremdsprachen, die Erstellung von Lehrbüchern und Lehrmitteln der neuen Generation, die Entwicklung moderner Methoden für den Fremdsprachenunterricht unter Berücksichtigung der Erfahrungen führender ausländischer Länder sind die Hauptaufgaben des Innovationszentrums.



CORNELSEN VERLAG GmbH
Mecklenburgische Straße 53
D - 14197 Berlin
Tel.: (+49) 800 12 120 20
service@cornelsen.de

Cornelsen

ERNST KLETT VERLAG GmbH
Ernst Klett Sprachen GmbH
Rotebühlstraße 77
70178 Stuttgart
Tel.: +49-711- 66 72 15 55
E-Mail: contact@klett-sprachen.de
www.klett-sprachen.de
www.derdiedaf.com



GOETHE-INSTITUT USBEKISTAN
Amir Temur ko'chasi 42
100000 Taschkent
Tel.: (+998) 78 140 14 70
info@taschkent.goethe.org



HUEBER VERLAG GmbH & Co KG
Baubergerstraße 30
D- 80992 München
Tel.: (+49) 89 / 9602-0
kundenservice@hueber.de

Hueber
Freude an Sprachen

INNOVATIONSZENTRUM
Tel.: +998 71 230 22 80
info@uzspic.uz
www.uzspic.uz
moodle.uzric.uz
www.facebook.com/uzspic



STUDIEN IN DEUTSCHLAND
Tel.: +998 78 120 84 78
ku-102@tasc.auswaertiges-amt.de
www.studieren-in.de
www.facebook.com/StudiumInDeutschlandFuerUsbekistan

Studieren in
Deutschland
Land der Ideen

KONTAKT



Redaktion:

Prof. Iriskulov M.

Dr. Tadjibaeva D.

Ogay M.

Nurmatova N.

Ibragimova V.

Design:

Sulaymonov M.

Sattorov A.

Ergasheva G.

Сборник научно-методических статей рассмотрен и одобрен на Научно-методическом совете РНПИЦ при УзГУМЯ (протокол № 8 от 20.11.2020 г.)

Чет тилларнинг ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш
Республика илмий-амалий маркази Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган
(20.11. 2020 йил 8-сонли баённома)

– Ташкент, Инновационный Центр при УзГУМЯ. – 2020. – 228 С.